

## Шартнома № 10

Юк ташиш ва транспорт хизмат кўрсатиш тўғрисида

Андижон шаҳар

“ 23 ” 09 ” 2022 й.

“Arzoni bizda market” ХК” ҳужжатда бундан буён “Хизмат кўрсатувчи” деб юритилади, Низом асосида иш олиб борувчи раҳбари А.Ходжаев бир томондан, Хўжаобод туман МТБ номидан ҳужжатда бундан буён “Буюртмачи” деб юритилади, иш олиб борувчи номидан Н.Мирзакаримова иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида шартнома туздилар: 13 сентябрдаги 2022 йилда Товар хом ашё биржасида Давлат харидлари бўйича лот №22110012146464 ва «13» сентябрь 2022 йилда ўтказилган № 146464 сонли тендер танлов йиғилиш баёнига асосан.

### 1. Шартнома мазмуни

1.1 “Хизмат кўрсатувчи” буюртмага асосан транспорт воситаларида 2022-2023 ўқув йиллар учун давлат мактабгача таълим ташкилотларига кўмир ёқилғисини ташиб транспорт хизмати кўрсатади. “Буюртмачи” эса кўрсатилган транспорт хизматлар учун ўз вақтида пул ўтказиш йўли билан ҳақини ҳисоб-китоб қилиш ва тўлаш мажбуриятларини олади:

1.2 Шартноманинг умумий суммаси 50012246.50 (Эллик миллион ўн икки минг икки юз қирк олти) сўм.50 тийин.

### 3. Шартнома қиймати ва ҳисоб-китоб.

3.1. Шартнома қиймати 2022 йил учун 1 тн/км кўмир ёқилғисини транспортда ташиш хизматлари 2185 сўм этиб белгиланди.

3.2. Ҳисоб китоб «Буюртмачи» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.3. Шартнома кучга кириб, тегишли газначилик бўлимларидандан руйхатдан ўтгандан сўнг 3 банк иш кунда «Буюртмачи» кўрсатиладиган транспорт хизматнинг умумий суммасининг 30 % миқдорида олдиндан аванс тариқасида «Хизмат кўрсатувчи»нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

3.4. «Хизмат кўрсатувчи» томонидан кўрсатилган транспорт хизматлар учун тўловлар “хизмат кўрсатувчи”нинг “буюртмачи”га тақдим қилинган ҳисоб китоби бўйича банк орқали пул ўтказиш йўли билан 90 кун муддатларда амалга оширади.

### 4. Томонларнинг ҳуқуқий ва мажбуриятлари.

4.1 “Хизмат кўрсатувчи”нинг ҳуқуқлари:

- кўрсатилган транспорт хизмат учун олдиндан ҳақ тўланиши ҳамда тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва тўла ҳажмда узил кесил ҳисоб қилинишини бюджет ташкилотидан талаб қилиш;

- берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган транспорт хизматларини ҳисоб фактурага асосан қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини бюджет ташкилотидан талаб қилиш;

4.2. “Хизмат кўрсатувчи” қуйидагиларга мажбур:

- хизмат кўрсатаётган транспорт воситаларининг ҳайдовчилар етказиб бериш жараёнида етказиб берувчи шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йул қўйилган бўлса бюджет ташкилотининг талаби билан аниқланган барча камчиликлар зудлик билан бартараф этилади. Ҳар ойда бажарилган ишлар бўйича ҳисоб- китобни амалга оширган ҳолда кейинги ойнинг 3-санасигача “буюртмачи”га пулини тўлаш учун тақдим қилиш.

4.3 Агар транспорт воситасига юкланган кўмир ёқилғисини таълим муассасаларигача талон-тароғликка йўл қўймасдан сифатли ҳолда етказиб бериши юклатилади.

4.4. Агар транспорт воситасида иш даврида носозлик ҳолати юзага келса зудлик билан бошқа транспорт воситаси билан алмаштириш чорасини қўриши юклатилади

4.5 “Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

- “Хизмат кўрсатувчи” томонидан етказиб берилган кўмир ёқилғисини қабул қилиб олиши ва кўмир ёқилғисини келтирилган вақтини белгилаши

- Агар транспорт воситасида носозлик вужудга келган холларда "Хизмат кўрсатувчи" га хабар бериш мажбуриятини олади.

#### 4.6. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

- транспорт хизматлари учун шартномага мувофиқ олдиндан 30 % маблағни аванс тўловини "Хизмат курсатувчи" банк ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

### 5. Шартноманинг бажарилиши

5.1. Шартнома кунун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши шарт.

- Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

5.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йул қўйилмайди. Кунун ҳужжатларида белгиланга ҳолар бундан мустасно.

5.3. Ўтказиб берилган кўмир масулоти «Буюртмачи»нинг масъул ходими томонидан ҳисоб фактура бўйича қабул қилиб олади.

### 6. Томонларнинг жавобгарлик.

6.1 «Хизмат курсатувчи» «Буюртмачи»га қилишилган вақтга кўра талабини ўз вақтида бажармаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган транспорт хизматининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

6.2. "Буюртмачи" "Хизмат кўрсатувчи"га кўрсатилган транспорт хизмат учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Хизмат кўрсатувчи" га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4% миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган тўловнинг 50%дан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.3. Мазкур шартномада назарда тутилган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

### 7. Форс-мажор.

7.1 Томонларга боғдик бўлмаган ҳолатлар "ёнгин, сув тошқини ва шу қаби бошқа ҳолатларда, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари", агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилди.

7.2 Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилишига мажбурийдир.

### 8. Низоларни ҳал этиш тартиблари

8.1. Қелишмочиликлар ва низоли масалалар қелиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, муваққил равишда улар судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

8.2. Қелишув билан ҳал қилинмайдиган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан белгиланган тартибда ҳал қилинади.

### 9. Бошқа шартлар.

9.1. Шартнома тузиш ва уни бажаришда юзага келадиган низолар белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан ҳал қилинади.

9.2. Шартнома бошқа томон шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги оқибатида 10 банк қуни ичида олдиндан огоҳлантирган ҳолда, ҳар иккала томоннинг қелишувига асосан бекор қилиниши мумкин.

9.3. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг ваколатлари вакилларнинг имзоси ва муҳрлари бўлган тақдирда ҳисобга олинади.

### 10. Шартнома муддати.

10.1. Шартнома имзо қўйилган ва тегишли Ҳазначилик органида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга қиради ҳамда **2022 йил 31 декабр**гача амал қилади.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, унинг бир нусхаси «Хизмат кўрсатувчи» да иккинчи «Буюртмачи» да сақланади. Иккала шартнома ҳам бир хил юридик кучга эга.

**11. Томонларнинг ҳуқуқий манзили ва банк реквизитлари.**

«Хизмат курсатувчи»  
«Arzoni bizda market" ХК»

«Буюртмачи»  
Хўжабод туман мактабгача таълим  
бўлими

Манзил: Андижон шаҳар, мустақиллик кўчаси  
13 уй  
Банк: Туронбанк АТБ Андижон филиали  
х/р: 20208000205333854002  
ИНН: 308065198  
МФО: 01171

Манзили: Хўжабод туман Саноатчилар  
МФЙ, Ўзбекистон овози кўчаси 73 уй  
Банк: Марказий банк Тошкент шаҳри  
х/р: 10022860032367091100251003  
ИНН: 305156008  
МФО: 00014

Рахбар:

А.Ходжаев



Рахбар:

Н.Мирзакаримова



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

№ OQ00886203

1. Loyihanning turi:

**Mahsulot yetkazib berish shartnomasi**

2. Loyihaning nomi

**Mahsulot yetkazib berish shartnomasi**

3. Loyihaning qisqacha mazmuni:

**“Arzoni bizda market” XK** rahbari A.Xodjaev bir tomondan, Xo'jaobod tuman MTB rahbari N.Mirzakarimova ikkinchi tomondan davlat maktabgacha ta'lim tashkilotlariga ko'mir yoqilg'isini tashib transport xizmati ko'rsatish yuzasidan jami **50012246.50 (Ellik millon o'n ikki ming ikki yuz qirq olti)** so'm lik xizmat ko'rsatish shartnomasi.

4. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot :

**Xo'jaobod tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi**

**22.09.2022**

Loyiha O'zbekiston Respublikasining amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Xo'jabod tuman yuridik xizmat  
ko'rsatish markazi boshlig'i**



**S.Rahimov**

22.09.2022 yil


# “Тасдиқлайман”

Хўжаобод туман мактабгача таълим

бўлими мудирининг  Н.Мирзакаримова

2022 йил “ 22 ” 09

**БАЁННОМА №7**



**Раислик қилувчи: Н.К.Мирзакаримова**

Хўжаобод туман мактабгача таълим бўлими мудирининг

**Қатнашувчилар:** Комиссия аъзолари

**Кун тартибида:** Хўжаобод туман мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги

давлат мактабгача таълим ташкилотларига куз-қиш мавсуми

учун кўмир ёқилғисини ташиб етказиб бериш транспорт хизмати

бўйича ўтказилган электрон танлов


натижалари


(Н.Мирзакаримова, Ш.Турсунов, А.Мамажонов, М.Рустамов, З.Ўрмонов, Н.Мирзакаримова)  
Ўзбекистон Республикасининг “ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ги 22 апрель 2018 йилдаги №684 Қонунига асосан харид қилинаётган товарлар (иш, хизматлар) махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимига танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонни жойлаштирилган. 2022 йил 13 сентябрдаги давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган “Хўжаобод туман мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги давлат мактабгача таълим ташкилотларига куз-қиш мавсуми учун кўмир ёқилғисини ташиб етказиб бериш транспорт хизмати” баённомасига асосан эълон якунига кўра "Arzoni bizda market" ХК ғолиб деб топилганлиги, харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилганлиги инobatга олинсин.

Ўзбекистон Республикасининг “ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ги қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан баённома давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди ва икки иш кун давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 22 сентябрдаги баённомасига асосан "Arzoni bizda market" ХК ғолиб деб топилганлигини инobatга олиб ушбу ташкилот билан қонунчиликка асосан шартнома расмийлаштирилсин.

## Комиссия аъзолари

Турсунов Шохмурод Сапарбекович  Бош ҳисобчи

Мамажонов Аббосбек Азамжонович  Иқтисодчи

Ўрмонов Зайнобиддин Холдарович  Эксплуатация бўлими бошлиғи

Рустамович Муқимжон Қосимович  Таъминотчи